

Mukhlisa Sharipova, TDPU Master's degree
5A111101- Music education and art
specialty 1st level master's degree

**USE OF NOVERBAL COMMUNICATION MEANS IN THE
FORMATION OF COMMUNICATIVE SKILLS OF A FUTURE MUSIC
CULTURE TEACHER**

***Annotation:** An innovative approach to modern music education requires the consistent use of the most advanced traditional and non-traditional methods of work, new pedagogical technologies. In particular, the issue of effective use of nonverbal communication methods in the formation of communicative skills of a future music teacher is of great importance.*

***Keywords:** Acoustic structure, nonverbal, “nonverbal communication”, perception*

Мухлиса Шарипова, ТДПУ Магистратура
5A111101- Мусиқа таълими ва санъат
мутахассислиги 1-босқич магистранти

**БЎЛАЖАК МУСИҚА МАДАНИЯТИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
КОММУНИКАТИВ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

***Аннотация:** Замоनावий мусиқа таълимида инновацион ёндашув энг илгор анъанавий ва ноанъанавий иш усулларидан, янги педагогик технологиялардан изчил фойдаланишни тақозо этмоқда. Айниқса, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг коммуникатив малакаларини шакллантиришида новербал мулоқот усулларидан самарали фойдаланиш масаласи долзарб аҳамият касб этаётир.*

***Калит сўз:** Акустик тузилма, новербал, “новербал коммуникация”, перцепсия*

Маълумки, мусиқий фаолиятлар асосан мусиқий товушлар интонацияси устида ишлаш орқали амалга оширилади. Ушбу жараёнда мусиқий ижрога кенг имкониятлар яратган ҳолда таълимий топшириқларни қўйишда новербал мулоқот усулларидан фойдаланиш муҳим мусиқий-педагогик аҳамиятга эгадир. Зеро, новербал мулоқот орқали барча ахборот ва маълумотлар таълимий мазмунини сақлаган ҳолда узатилади ва қабул қилиб олинади.

Ўз фаолиятида инсонларни нимагадир ишонтириш, уларни қайсидир фаолиятни амалга оширишга ундаш учун имо-ишоралар тилини тушуниш муҳимдир. Бу айниқса, мусиқа педагоглари учун зарур касбий сифат бўлиб,

музыка таълими жараёнини янада самаралироқ амалга оширишга кўмаклашади. Агар ўқитувчи ўзига нисбатан ишонч ва симпатия (ёқтириш) ҳиссини уйғота олса, демак, ўқувчилар билан ишлаш жараёни янада қизиқарли ва енгил кечади.

Давлатимиз Раҳбари 2020 йил 25 декабрда Ўзбекистон ёшлари Форумида қўйидаги сўзларни келтирган эди: - “Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга оширмоқдамиз” [1]. Бугун узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида жадал ислохотлар амалга оширилаётган шароитда бўлажак музыка ўқитувчилари касбий тайёргарлик бўйича қўйилаётган юксак талабларга мос ҳолда тайёрланиб боришлари талаб этилмоқда.

Новербал мулоқот новербал нутқ орқали амалга оширилади. Новербал нутқ асосан қўйидаги: визуал, акустик ва тактил тизимлар асосида тасаввур этилади ва амалга оширилади.

Ушбу жараёнда визуал тузилма ўзида: имо-ишоралар; мимика, гавда ҳолати; тери реакциялари (ранги ўзгариши); мулоқотда макон ва вақт муҳити; кўз орқали мулоқот (визуал контакт)ни акс эттириши мумкин. Бунда гавда турли қисмларининг умумий моторикаси (ҳаракати) шахснинг эмоционал реакциясини акс эттиради ва шу орқали мулоқот янада мазмундорлик касб этади. Бу ижро репертуарини ўрганишда муҳимдир.

Акустик тузилма қўйидаги қирраларни ўзида намоён этади: паралингвистик тузилма (вокаллаштириш, гапириш тони, унинг диапазони, тоналлиги); экстралингвистик тузилма (нутққа паузаларни, шунингдек, бошқа воситаларни қўшиш, нутқ суръати). Булар дарс мавзуси бўйича назарий материалларни тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади. Имо-ишоралар – бу мулоқотга киришаётган томонлар учун мазмуни тушунарли бўлган қўл ва бошнинг турли ҳаракатларидир.

Муסיқий-педагогик фаолият жараёнида новербал мулоқотнинг қуйидаги асосий функциялари ажратиб кўрсатилади:

1. Таълимда интерактив муносабатларни ифодалаш;
2. Ижро жараёнида муҳим бўлган ҳиссиётлар ва эмоцияларни ифодалаш;
3. Дарсда вербал мулоқот (сўзлашиш) жараёнларини бошқариш;
4. Бутун ўқув машғулоти жараёнида ўзини мақбул бошқариш.

НOVERBAL коммуникация ўқитувчи томонидан узатилаётган сигналларнинг ўқувчилар томонидан қай тарзда қабул қилиниши ва уларга жавоб беришни тушунаётганлигини, бошқалар томонидан узатилаётган сигналлар борасидаги фикрини кўрсатади ҳамда тескари алоқа ўрнатиш имконини яратади.

Муסיқий педагогик жараёнда новербал тил ва унинг алоҳида элементларига таъсир кўрсатувчи қатор омилларни кўрсатиш мумкин, уларга:

- 1) миллий мансублик (бир ҳаракатнинг ўзи турли миллатларда турлича маъно бериши мумкин);
- 2) саломатлик ҳолати (саломатлиги талаб даражасида бўлмаса муסיқий ижрога нисбатан муносабат, қарашлар, товуш янграши, имо-ишоралар одатда анча суст бўлиши мумкин);
- 3) касбий қизиқиши даражаси (қизиқиши бор, лекин педагогик қобилиятлари нисбатан паст бўлиши мумкин ёки аксинча);
- 4) ижровий имкониятлари имо-ишораларни идрок этишига ҳамда муסיқий тасаввурлари даражасига таъсир кўрсатади;
- 5) муסיқага нисбатан шаклланган муносабат (ўсган оиласида муסיқанинг қадрланиши, ривожланган анъаналар, қоидалар);
- 6) актёрлик қобилиятлари (кўп одамлар нафақат сўзларни, балки, новербал белгиларни қойиллатиб ишлатади) мавжудлиги ва ҳ.к.

НOVERBAL белгиларнинг қўшилиши натижасида таълимий ахборот бирта ҳолат билан эмас, балки, бир нечта пантомимика элементлари орқали узатилади.

Демак, новербал мулоқот – сўзлардан фойдаланмасдан мулоқотни амалга ошириш бўлиб, шахслар орасида эмоциялар алмашишда ҳам катта роль ўйнайди, бу эса айнан мусикий фаолият жараёнида муҳим саналади.

Кузатишлар кўрсатишича, мулоқот жараёнида ахборотнинг 60-95 фоизи новербал мулоқот ёрдамида амалга оширилади. У асосан: товуш, оҳанг; ташқи кўриниш, кийим-бош, гавдани тутиш ҳолати; юз ифодаси, табассум, карашлар; ҳаракатлар; рақс, юриш; имо-ишоралар; бошни силкиш ва чайқаш, қайсидир ҳатти-ҳаракатни имитация қилиш (масалан, пастга қаратилган икки бармоқ билан юришни тақлид қилиш); қарсақлар; қўл сиқиш билан намоён этилади.

Ташқи кўриниш ҳам бўлажак мусиқа ўқитувчисида муҳим бўлиб – новербал мулоқотнинг муҳим қисмини ташкил этади. Яхши ташқи кўриниш кўйидагиларга боғлиқдир:

- 1) Тоза ва озода ташқи кўриниш;
- 2) Эркин, табиий ҳатти-ҳаракатлар;
- 3) Саводли нутқ;
- 4) Муносиб ўзини тутиш;
- 5) Мақтов ва танқидга хотиржам реакция;
- 6) Иссиқ истара.

Буларнинг барчаси бўлажак мусиқа ўқитувчиларида новербал мулоқот орқали коммуникатив малакаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари ва ўзини тутишига қараб унинг ҳақиқий ният ва истакларини билиб олиш мумкин. Тадқиқотларда аниқланишича, шахсларо мулоқотда суҳбатдош борасидаги 60 дан 80% гача ахборотни биз мулоқотнинг новербал воситалари – имо-ишоралар, мимика, гавда ҳаракати, интонация, суҳбатдошлар орасидаги маълум дистанция орқали оламиз.

НOVERBAL мулоқот шахснинг ўз “Мен”ини таъкидлаш воситаси, шахсларо ўзаро таъсир ва муносабатларни йўналтириш сифатида мулоқотда шерикнинг образини аниқлаштиришда, вербал илгарилловчи ахборот узатиш тарзида намоён бўлади.

Новербал мулоқот “новербал коммуникация” атамасидан кўра кенгрок маъно беради ва Л.А.Лабунская таъкидлаганидек, - “Новербал мулоқот – бу шундай мулоқот кўринишики, унда новербал ҳатти-ҳаракатлар ва новербал коммуникация ахборот узатишнинг асосий воситаси, ўзаро биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш, шерик борасида тушунча шаклланиши ва унинг образи шаклланиши, бошқа шахсга таъсир кўрсатиш ҳисобланади” [2].

Муסיқий педагогик фаолиятда новербал ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш орқали унинг экспрессив (ҳиссиёт, кайфият ва фикрнинг ёрқин намоён этилиши) ва перцептив (идрок) қирралари намоён бўлади. Экспрессия ёки эмоцияларнинг ташқи ифодаланиши муסיқий-педагогик жараёни эмоционаллаштиради ва новербал ҳатти-ҳаракатларнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб, репертуар асарни сифатли ижро этишни ўргатишда муҳимдир. Эмоционаллик табиатининг омиллари айнан шахс-гурух ёки коммуникатор-реципиент тизимидаги мақбул педагогик муносабатларни ўрнатишда қўл келади ва бу муסיқа ижрочилиги фаолиятида қулай имкониятлар яратади.

Перцепция тушунчаси муסיқий-педагогик мулоқот жараёни аъзоларининг бир-бирини идрок этиши ва мақбул тушунишини таъминлайди. Натижада, таълим олувчиларни айнан идрок этиш педагогик мулоқот вазияти ўзгаришига осон тарзда мослашиш, қўйилган ҳақиқий педагогик мақсад, муддаони тушуниш ва унинг натижаларини олдиндан айта олишга имкон яратади.

Ушбу сифатлар бўлажак муסיқа ўқитувчисини касбий тайёрлашда катта аҳамият касб этади ва муסיқий фаолиятларни самарали ташкил этиш учун зарурдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари Форумида сўзлаган нутқи. 2020 йил 25 декабрь // Электрон манзил: <https://uza.uz/>
2. Лабунская Л.А. Невербальное общение и его виды. Электрон манзил: https://works.doklad.ru/view/1pE1_WF3x3k.html